

**QORAQALPOQ DAVLAT UNIVERSITETI
HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR BERUVCHI
DSc.03/06.04.2024.Tar.20.05 RAQAMLI ILMIY KENGASH**

AJINIYOZ NOMIDAGI NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

ABDUKARIMOV ABDIXALIK AMUROVICH

**1917–1991-YILLARDA QORAQALPOG‘ISTON QISHLOQLARINING
IJTIMOIY-IQTISODIY HAYOTI**

07.00.01 – O‘zbekiston tarixi

**Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (Phd) dissertasiyasi
AVTOREFERATI**

Nukus – 2024-yil

Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati mundarijasi

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Abdukarimov Abdixalik Amurovich

1917-1991 yillarda Qoraqalpog‘iston qishloqlarining ijtimoiy-iqtisodiy hayoti..... 3

Абдукаримов Абдихалик Амурович

Социально-экономическая жизнь сел Каракалпакстана в 1917-1991 годах..... 25

Abdukarimov Abdikhalik Amurovich

Socio-economic life of the villages of Karakalpakstan in 1917-1991..... 49

E‘lon qilingan ishlar ro‘uxati

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**QORAQALPOQ DAVLAT UNIVERSITETI
HUZURIDAGI ILMIY DARAJALAR BERUVCHI
DSc.03/06.04.2024.Tar.20.05 RAQAMLI ILMIY KENGASH**

AJINIYOZ NOMIDAGI NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

ABDUKARIMOV ABDIXALIK AMUROVICH

**1917–1991-YILLARDA QORAQALPOG‘ISTON QISHLOQLARINING
IJTIMOIY-IQTISODIY HAYOTI**

07.00.01 – O‘zbekiston tarixi

**Tarix fanlari bo‘yicha falsafa doktori (Phd) dissertasiyasi
AVTOREFERATI**

Nukus – 2024-yil

Falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi mavzusi Oliy attestatsiya komissiyasida B2021.1.PhD/Tar839 raqam bilan ro'yxatga olingan.

Dissertatsiya Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika institutida bajarilgan.

Dissertatsiya avtoreferati uch tilda (o'zbek, rus, ingliz (rezyume)) Ilmiy kengashning veb-sahifasida (www.karsu.uz) hamda «ZiyoNET» axborot-ta'lim portalida (www.ziynet.uz) manzillariga joylashtirilgan.

Ilmiy rahbar:

Koshanov Baxitbay Abdikerimovich
tarix fanlari doktori, professor

Rasmiy opponentlar:

Davletov Sanjarbek Rajabovich
tarix fanlari doktori, (DSc) professor

Utemuratov Baxram Bekmuratovich
tarix fanlari kandidati, dotsent

Yetakchi tashkilot:

**Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi
va agrotexnologiyalar instituti**

Dissertatsiya himoyasi Qoraqalpog'iston davlat universiteti huzuridagi ilmiy darajalar beruvchi DSc.03/06.04.2024.Tar.20.05 raqamli Ilmiy kengashning 2024-yil «1» VII soat 14.08 dagi majlisida bo'lib o'tadi. (Manzil: 230100, Nukus shahri, Ch.Abdirov ko'chasi, 1-uy, Tel.: (99361) 223-60-49; Faks: (361) 223-60-49; e-mail: karsu.info@edu.uz)

Dissertatsiya bilan Qoraqalpog'iston davlat universiteti Axborot-resurs markazida tanishish mumkin (186-raqam bilan ro'yxatga olingan.) Manzil: 230100, Nukus shahri, Ch.Abdirov ko'chasi, 1-uy, Tel.: (99361) 223-60-49; Faks: (361) 223-60-49.

Dissertatsiya avtoreferati 2024-yil «18» VII kuni tarqatildi.
(2024-yil «18» VII dagi 6 -raqamli reestr bayonnomasi)


M.A. Karlibaev
Ilmiy darajalar beruvchi Ilmiy kengash
raisi, tarix fanlari doktori, katta ilmiy
xodim


H.M. Otegenov
Ilmiy darajalar beruvchi Ilmiy kengash
ilmiy koubi, tarix fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD) dotsent


A.M. Djumashev
Ilmiy darajalar beruvchi ilmiy kengash
qoshidagi ilmiy seminar raisining
o'rinbosari, tarix fanlari doktori,
professor



KIRISH (falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi annotatsiyasi)

Dissertatsiya mavzusining dolzarbligi va zarurati. Globallashuv sharoitida ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy munosabatlar tobora rivojlanayotgan bir paytda, har bir mamlakat mintaqaviy va xalqaro jarayonlarning faol ishtirokchisiga aylanishga intilmoqda. Jahonning turli qismlaridagi o'zgarishlar nafaqat mintaqa, balki, jahon davlatlaridagi ijtimoiy-siyosiy jarayonlarga ta'sir ko'rsatishi barobarida ularda integratsiya yo'llarini, tinchlik masalalarini, iqtisodiy rivojlanishni, hamkorlik va siyosiy islohotlarni chuqurlashtirmoqda. Ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy sohalaridagi amalga oshirilgan islohotlar, madaniy-ma'rifiy turmushdagi yangilanishlar va o'zgarishlar sabab XXI asrda mamlakatlarni o'ziga xos va zamonaviy taraqqiyot yo'liga o'tishi xalqaro hamjamiyat amaliyotida milliy modelning samaradorligini isbotlamoqda.

Dunyo miqyosida totalitarizm yillarida yuzaga kelgan to'siq mexanizmlarini aniq tushuntirish, chuqur yemirilishlar sabablarini aniqlash, ijtimoiy turmush hodisalari jarayonlarining ilmiy jihatlarini fan va texnologiyalar yutuqlariga asoslanib iqtisodiy islohotlarni modellashtirish, tanazzulga uchragan iqtisodiy tizimlarni qayta tiklash dasturlarini ishlab chiqish borasida qator tadqiqotlar amalga oshirilmoqda. Bu o'tmishni retrospektiv tahlil qilish, xalqning obyektiv tarixini, tug'ilgan o'lkasini, davlat hududini qayta tiklash milliy o'zligini anglashda, milliy g'urning qayta tiklanishi va o'sishi jarayonida muhim ahamiyat kasb etadi.

Mustaqillik yillarida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan rivojlantirish, aholi farovonligini yanada oshirish, har bir fuqaroning emin-erkin faoliyat yuritib, orzu-umidlarini ro'yobga chiqarishga qaratilgan keng islohotlar olib borilmoqda. Ayniqsa, milliy qadriyatlarni tiklash va ularni yanada rivojlantirish, tarixiy-madaniy merosga bo'lgan e'tiborni kuchaytirish alohida o'rin tutmoqda. Darhaqiqat, "Vatanimizning qadimiy va boy tarixini o'rganish, bu borada ilmiy-tadqiqot ishlarini kuchaytirish, gumanitar soha olimlari faoliyatini har tomonlama qo'llab-quvvatlashimiz lozim. O'tmishga berilgan baho albatta, xolisona, eng muhimi, turli mafkuraviy qarashlardan xoli bo'lishi zarur"¹. Shu jihatdan sobiq Sovet tuzumida Qoraqalpog'iston qishloqlarida yuz bergan ijtimoiy-iqtisodiy o'zgarishlar va ularning aholi hayotiga ta'sirini ochib berish dolzarb vazifalardan biri hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son "2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni, 2017-yil 30-iyundagi PQ-3105-son "O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi huzurida O'zbekistonning eng yangi tarixi bo'yicha Jamoatchilik Kengashi faoliyatini tashkil etish to'g'risida", 2017-yil 10-oktyabrdagi PQ-3318-son "Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari faoliyatini yanada rivojlantirish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida", 2020-yil 30-iyuldagi PQ-4795-son "Agrar ta'lim tizimini yanada takomillashtirish

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari, shuningdek, sohaga doir boshqa normativ-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur tadqiqot ishi muayyan darajada xizmat qiladi.

Tadqiqotning respublika fan va texnologiyalar rivojlanishining asosiy ustuvor yo'nalishlariga mosligi. Dissertatsion tadqiqot O'zbekiston Respublikasida fan va texnologiyalar rivojlanishining «Axborotlashgan jamiyat va demokratik davlatni ijtimoiy, huquqiy, iqtisodiy, madaniy, ma'naviy-ma'rifiy rivojlantirishida innovatsion g'oyalar tizimini shakllantirish va ularni amalga oshirish yo'llari» ustuvor yo'nalishi doirasida bajarilgan.

Muammoning o'rganilganlik darajasi. 1917-1991-yillarda Qoraqalpog'iston qishloqlarining ijtimoiy-iqtisodiy hayotiga doir adabiyotlar nazariy-konseptual mohiyatiga ko'ra uch guruhga ajratib tahlil etilgan. Birinchi guruhga – asosan agrar masalalar yoritilgan tadqiqot ishlari; ikkinchi guruhga – iqtisodiy jihatlar aks etgan ilmiy izlanishlar natijalari, uchinchi guruhga – xorijiy mualliflar tomonidan e'lon qilingan tadqiqot ishlarini kiritish mumkin.

Amalga oshirilgan tarixiy tahlil mavjud adabiyotlar bir xilda emasligini, turli davrlar va qishloq xo'jaligini qayta tuzish jarayoni muammolarini har xil darajada va chuqur yoritishini ta'kidlash imkonini beradi. Dehqonchilik muhitida ijtimoiy-siyosiy iqlim shakllanishining dolzarb masalalari, demografik vaziyat, qishloq xo'jaligining tabiiy-geografik xususiyatlarining qiyosiy-tarixiy tahlilida amaliy ahamiyatini ta'minlovchi bir qator tendensiyalar va omillarni yoritish imkonini beradi.

Sobiq sovet davrida olib borilgan tadqiqot ishlari va ilmiy nashrlar qishloq xo'jaligini kollektivlashtirish kabi murakkab va ziddiyatli hodisaga shakllangan qarashlarni aks ettiradi². Ular Qoraqalpog'istondagi agrar qayta qurishlarning barcha jihatlarining umumlashgan sur'atini ochib bera olmasa-da, qoraqalpoq dehqonchiligining xo'jalik yuritish patriarxal-feodal shaklidan yirik ishlab chiqarish (kolxozlar)ga o'tishning xususiyatlarini ochib berganligi bilan ahamiyatlidir.

Kollektivlashtirish jarayonini o'zining murakkabligi va ziddiyatligi bilan qayta tiklash tarixchilarning muhim vazifasi bo'lib qoldi. "Qoraqalpog'iston yangi tarixi" akademik nashrida Qoraqalpog'istondagi agrar rivojlanishning yangicha tadqiq etilishi bilan yer-suv tadbirlarini ko'rib chiqish, boylarning mulklarini konfiskatsiya qilish, kollektivlashtirish va boshqalar o'rganildi, bu esa respublika agrar tarixi yangi konsepsiyasining asosi bo'ldi. Mualliflar sobiq ittifoq hukumatining dastlabki yillardan o'tkaza boshlagan yer-suv munosabatlar

² Досумов Я.М. Очерки истории Каракалпакской АССР. 1917-1927. – Тошкент: Фан, 1960; Аметов К. Аграрная политика советской власти в Каракалпакии. 1917-1924. – Нукус: Каракалпакстан, 1971; Шаммамбетов Б. Аграрное развитие Республики Каракалпакстан в 1965-1985 гг. Опыт и проблемы. – Нукус, 2015; Бекимбаев А. Колхозное строительство в Каракалпакии в период первой и второй пятилеток (1928-1937): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – М., 1953; Мамбетуллаев М. История орошения Каракалпакской АССР (1937-1965): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1967; Калниязов У. Борьба трудящихся Каракалпакской АССР за выполнение заданий семилетки (1959-1965): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1971; Елмуратов Ы. Союз рабочего класса в с трудовым деҳканством Каракалпакии (1917-1924): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1973; Алланиязов Т.К. Социалистическое строительство в Каракалпакии в исторической литературе 60-х-80-х годов: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1989; Тангирбергенова К. Экономика Каракалпакии в годы Великой Отечественной войны (1941-1945): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1991.

dasturlarining buzilishi, “harbiy kommunizm”, “yangi iqtisodiy siyosat” kampaniyalarining o‘tkazilishi bizning xalqimiz uchun yot narsalar ekanligini ta’kidlaydi. 1924-1930-yillardagi agrar va irrigatsion siyosat, qoraqalpoq jamiyatida norozilik va uni ochiq tarzda namoyish etishni keltirib chiqardi³.

Sovet hukumatining agrar munosabatlar va agrar siyosati masalalari yangi metodologik nuqtai nazardan ko‘rib chiqildi. Masalan, Orolbo‘yi sug‘orish tarixi eski konsepsiyalarni zamonaviy tarix fani ruhida yangicha ko‘rib chiqish va qayta qarashga tortildi⁴.

M.K.Saribaev tadqiqotlarida Qoraqalpog‘istonda XIX-XX asrning ikkinchi yarmidagi paxtachilik tarixi kompleks tadqiq qilindi. Paxta siyosati o‘rganilib, dehqon kolxozchilarning og‘ir mehnati yoritildi va ilk bor dehqon paxtakorlar repressiyasi to‘la ko‘rib chiqildi, dehqonlarning chorizm va bolsheviklarning paxta siyosatiga qarshi noroziliklari va kurashi ko‘rsatib berildi⁵.

A.M.Djumashev va S.U.Nurjanov asarlarida Qoraqalpog‘iston siyosiy tarixidagi jamoalashtirish va qatag‘onlik qishloq xo‘jaliklariga katta zarar keltirgani birlamchi manbalar asosida tahlil qilingan⁶.

Dehqon (fermer) xo‘jaliklari tarixini hozirgi bosqichda qayta ko‘rib chiqishda tarixiy ekskurs katta ahamiyat kasb etadi, buni esa B.Utemuratov⁷ o‘z tadqiqotlarida amalga oshirgan. K.Xakimniyazov ishlarida xalq xo‘jaligining

³ Қарақалпақстанның жаңа тарийхы. Қарақалпақстан XIX әсирдин екінши ярымынан XXI әсирге шекем. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2003.

⁴ Сарыбаев К.С. История орошения Каракалпақстана (с конца XIX века до наших дней). – Нукус: Қарақалпақстан, 1995; Ўша муаллиф. Қарақалпақстанда пүткил халықлық ирригациялық қурылыслар тарийхынан. – Нөкис, 1989.

⁵ Сарыбаев М.К. Из истории хлопковой политики большевистского Центра в Каракалпакии. 1917-1924 // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1998. - №2. – С.135-136; Ўша муаллиф. Коллективизация дәуиринде Қарақалпақстанда пахташылықтың тарийхынан // Қарақалпақстан муғаллими. – Нөкис, 1997. - № 3-4. – Б. 83-85; Ўша муаллиф. Хлопководство после образования Каракалпақской Автономной области. 1924-1929 // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1998. - № 1. – С. 141-143; Ўша муаллиф. История хлопководства Каракалпақстана. 1973-1941: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1998; Ўша муаллиф. Великий перелом и трагедия дехканских хозяйств в Каракалпакии. 1929-1931 // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2000. -№ 6-7. – С. 61-63; Ўша муаллиф: Историография хлопководства в Каракалпақстане второй половины XIX – середины XX вв. // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2004. - № 1-2. -С.92-95; Ўша муаллиф. Из истории хлопководства Каракалпақстана в конце XIX - начале XX века. – Ташкент: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана им. Навои, 2006; Ўша муаллиф. Политика хлопковой монокультуры Советской власти в Каракалпақстане и ее последствия (1917-1990 гг.). – Ташкент: Изд-во Национальной библиотеки Узбекистана им. Навои, 2008; Ўша муаллиф: Политика хлопковой монокультуры Советской власти в Каракалпақстане и ее последствия (1917-1990 гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН РУз., 2008.

⁶ Джумашев А. Советская система государственного управления в Каракалпақстане (1924-1941 гг.): история формирования и трансформации. – Нукус: Илим, 2021; Ўша муаллиф. Қарақалпақстанда коллективлестирю дәуири: тарийх бетлери // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2000. - №6-7. – Б. 63-64; Ўша муаллиф: Земельно-водные реформы XX века в Каракалпақстане (страницы истории) // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2003. - №5. – С. 50-51; Джумашев А., Нуржанов С. Политика коллективизации в Каракалпақстане: вопросы истории // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2006. - №3. – С. 70-75; Ўша муаллиф. Политические репрессии 30-х годов советской власти в Каракалпақстане и ее последствия // История Узбекистана. – Ташкент, 2020. - №1. – С. 54-63; Джумашев А., Караманова Г. Политика коллективизации сельского хозяйства в Каракалпақстане: история и историография проблемы // Отан тарихы. – Алматы, 2020. - №1. – С. 43-56; Джумашев А., Нуржанов С. Политика коллективизации в Каракалпақстане: взгляд через годы // Вопросы истории и археологии Западного Казахстана. – Уральск, 2008. - №1. – С. 34-42; Нуржанов С. Каракалпақская автономная область: история в источниках. – Нукус: Илим, 2014; Ўша муаллиф. Периодическая печать Каракалпақстана в системе общественных отношений. – Нукус: Илим, 2015. Ўша муаллиф: К вопросу формирования советской политической системы в Каракалпақстане // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2000. -№1. – С. 74-76; Ўша муаллиф. Власть и каракалпақское общество: анализ факторов взаимоотношений // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2001. - №1-2. – С. 89-92; Ўша муаллиф. Формирование советской командно-административной системы в Каракалпақстане // Исторический опыт тюрко-мусульманских народов СССР: Материалы международной конференции. – Актобе, Республика Казахстан. 2008. – С. 22.

⁷ Утемуратов Б.Е. Дехканские (фермерские) хозяйства Республики Каракалпақстан в годы НЭПа // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 1996. - №2. – Б. 105-108; Ўша муаллиф. Дехканские (фермерские) хозяйства Республики Каракалпақстан: история возрождения и развития. 1917-1996: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1999.

1930-yillarda rivojlanish darajasi o'rganilgan, respublikaning agrar respublika ekanligi ta'kidlanadi, xalq xo'jaligining ahvoriga boshqaruv-ma'muriy boshqarishning ta'siri yoritiladi⁸. A.A.Joldasovning maqolasida Qoraqalpog'istondagi jamoalashtirish davridagi demografik jarayonlar turli hujjatli va og'zaki manbalardagi ma'lumotlar asosida tahlil qilingan⁹.

B.Bekimbetov, A.Saribaev¹⁰ va boshqalarning Orol halokatiga, Qoraqalpog'istonda ishlab chiqarish va fermer xo'jaliklarining tuzilishiga bag'ishlangan ishlari diqqatga sazovor. Shunday bo'lsa ham bu ishlar Qoraqalpog'istonning iqtisodiyoti va ekologiyasining to'la sur'atini bera olmaydi.

So'nggi yillarda qishloq xo'jaligi muammolariga qiziqish sezilarli darajada ortdi¹¹. Axborotlar katta oqimining asosiy qismi, shu jumladan, tariximizning rang-barang jihatlarini yangi nuqtai nazardan haqqoniy aks ettiruvchi tarixiy axborotlar Qoraqalpog'iston agrar sektori tarixining muammolariga bag'ishlangan.

Ikkinchi guruh adabiyotlariga sovet davrida Qoraqalpog'iston qishloqlarida yuz bergan iqtisodiy-ijtimoiy o'zgarishlar va uning qishloq aholisi hayotiga ta'siriga e'tibor qaratilgan.

Mazkur muammo O'zbekiston va Qoraqalpog'iston tarixchilarining respublikaning 1917-1991-yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining turli xil jihatlariga bag'ishlab umumlashtirilgan asarlarida o'z aksini topdi¹².

⁸ Хакимниязов К. Новый документ по истории социально-экономического развития Каракалпакстана в 30-е годы XX века // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2000. – №2. – С. 44-45; Хакимниязов К., Кошанов Б. Из истории Каракалпакстана 30-х годов XX века // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2001. – №4. – С. 70-71; Хакимниязов К. Каракалпакстан в 1930-1941-е годы: исторический опыт и проблемы: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2002.

⁹ Жолдасов А.А. Демографические последствия коллективизации в Каракалпаккии // Вестник ККФ АН УзССР. – Нукус, 1991. – № 4. – С. 84-89.

¹⁰ Бекимбетов Б.М. История общественно-политического движения за спасение Аральского моря (1960-1990-е гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2006. – 20 с.; Сарыбаев А.К. Хлопкоочистительная и текстильная промышленность Каракалпакстана в 1980-1995 гг.: исторический опыт и проблемы возрождения национальной промышленности: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2000. – 28 с.; Ўша муаллиф: Хлопкоочистительная и текстильная промышленность Каракалпакстана в 1980-1995 гг.: исторический опыт и проблемы развития национальной промышленности. – Ташкент: Изд-во Нац. Биб-ки Узбекистана им. Навои, 2008; Султанова С.К. Каракалпакстан в 1946-1960-х годах: узловые проблемы истории: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2001; Шамамбетова Г.Б. Социальная политика в Каракалпакстане (1950-1985): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2004; Караманова Г. История аграрных отношений в Каракалпакстане (1917-1941): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2009; Сейдаметова Г. Повседневная жизнь городского населения Каракалпакстана в 60-80- годах XX века. – Ташкент, 2020.

¹¹ Умаров Дж. Вклад тружеников села Узбекистана в развитие общественного животноводства в 1959-1975 гг.: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Алма-Ата, 1985; Таджibaев А. Деятельность МТС в восстановлении и развитии сельского хозяйства Узбекистана (1946-1958): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1990; Ибрагимов Х. Социально-экономическая жизнь Узбекистана в годы Великой Отечественной войны (1941-1945): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Андижан, 1993; Шаймарданов И.Э. Социально-культурная жизнь села Узбекистана: опыт, проблемы (вторая половина 20-х – 30-е годы): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Насыров Р.А. Социальное развитие села Узбекистана (1965-1985): Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Набиев Ф.Х. Проблемы и противоречия социальной политики в Туркестане (1917-1924): Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – Ташкент, 1995; Турсунов С.Н. Развитие аграрного сектора экономики Узбекистана в 1946-1965 гг.: Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – Ташкент, 1995; Курбанов Х.Р. Ўзбекистонда зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва унинг оқибатлари, 1929-1938: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2010; Абдуллаев А.Н. Хлопковая монокультура в Узбекистане и её последствия (1917-1991): Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – Ташкент, 2010; Мамажанов С.Х. Ўзбекистонда аграр ислохотларни амалга оширишда фермер хўжаликларнинг ўрни. 1991-2004: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2011; Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган дехқонлар аҳолиси (1929-1959): Тар. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Тошкент, 2017 ва бошқалар.

¹² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Китоб 2. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). – Тошкент, 2019. 1-2-китоб; Кошанов Б.А., Отегенов Х.М. Очерки истории Каракалпакстана (1916-1991 гг.). – Нукус, 2021; Базарбаев Р.Ж. Кадровая политика Советской власти в Каракалпакстане 1917-1941 гг. – Нукус: Каракалпакстан, 2010; Ўша муаллиф. История кадровой политики Советской власти Каракалпакстане. – Нукус: Билим, 2012.

R. Ballieva tadqiqotlari tatbiq etilgan ilmiy yangiliklar natijalari mintaqaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining kompleks regional uzoq muddatli rejalarini ishlab chiqishda mehnat faoliyatining dasturiy ishlab chiqarish bilimlari va tajribalarini foydalanish imkonini beradi¹³.

Tarixshunoslik sohasida ilk bor 1929-yil Qoraqalpog'istonda bo'lib o'tgan xalq qo'zg'oloni tarixi o'rganildi¹⁴. Mustaqillik davrida Qoraqalpog'iston davlat arboblari faoliyatini o'rganish davom ettirildi¹⁵.

Bir guruh tadqiqotchilar tomonidan Qoraqalpog'istondagi qatag'on jarayonlari o'rganildi¹⁶. Shubhasiz, professor B.A. Qoshanov XX asr tarixi bo'yicha zamonaviy tarixshunoslikni boyitgan yetuk mutaxassisdir¹⁷. Y.A. Abdullayeva Qoraqalpog'istonda ayollar masalasini o'rganishga katta hissa qo'shdi¹⁸. R.J. O'razbaeva xalq ta'limi tarixini o'rgandi¹⁹. Qoraqalpog'istondagi

¹³ Баллыева Р. Традиционное природопользование Каракалпакии. – Нукус, 1996; Ўша муаллиф. Этнокультурные особенности природопользования народов Приаралья (в конце XIX начале XX века). – М., 2003; Ўша муаллиф. Современное природопользование Каракалпакии за последние 70 лет // Вестник МГУ. Серия: география. Деп. ВИНТИ. 1994. - № 2494. - С. 18; Ўша муаллиф. Проблемы природопользования в Каракалпакии в советский период и их последствия // Ломоносовские чтения: Материалы научной конференции. – М., 2002. – С. 82-88; Ўша муаллиф. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование: Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – М., 2003.

¹⁴ Алланиязов Т. «Контрреволюция» в Казахстане. Чимбайский вариант. – Алматы, 1999; Давлетова Г.А. Тахтакупырское восстание в Каракалпакстане 1929 года: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2001.

¹⁵ Алланиязов Б. Аллаяр бас болды каракалпаққа. А.Досназаровтын өмір жолынан. – Нөкіс: Каракалпакстан, 1996; Халмуратов А. Ел ағасының екінші өмірі. Пиржан Сейтов ҳаққында. – Нөкіс: Каракалпакстан, 2005; Есбергенов Х. Ардақлы азамат. Коптлеў Нурмухамедовтың өміри хәм хызмети. – Нөкіс: Каракалпакстан, 2009; Нуржанов С., Есбергенов Х. Сын Отечества. О деятельности К.Нурмухамедова. – Нукус: Илим, 2018; Кошанов Б.А., Алламуратов Г.С. Пиржан Сейтов: штрихи к портрету. – Нукус, 2020.

¹⁶ Бабашев Ш.Б. Каракалпакстан Республикасы тарийхындағы сиясий қурбанлар (Тарийхымыздын жазылмаған бетлери). – Нөкіс: Каракалпакстан, 2003; Ўша муаллиф. Жертвы политических репрессии в Каракалпакстане (1937-1938 гг.) // Вестник ККО АН РУз. – Нукус, 2001. - №4. – С. 72-73; Ўша муаллиф. Ислам Алиев (о судьбе первого секретаря Каракалпакского обкома КПУз) // Каракалпакстан. – Нукус, 2001. - №2. – С. 26-27; Ўша муаллиф. Әбиў Қудабаев // Каракалпакстан. – Нукус, 2001. - №5-6. – Б. 29-30; Ўша муаллиф. Жазықсыз жазаланған репрессия қурбанлары. – Нөкіс, 2007; Ўша муаллиф. Дөхмет дегіши. – Нөкіс, 2009; Ўша муаллиф. Каракалпакстанлы зыялылар үстинен сиясий процесс. – Нөкіс, 2021; Ўша муаллиф. Репрессии. Депортация. Преступления против человечества. – Нөкіс: Каракалпакстан, 2014; Абдумуратов Т. Репрессияға ушыраған уламалар: Салмен ийшан Камал улы, Пурхан ийшан Кайыпназар улы, Алланазар ахун Косназар улы, Калимбет ахун Отемурат улы. – Нөкіс: Каракалпакстан, 1992; Кошанов Б.А., Изимбетова Г.Т., Зинагдинов Н.М. Политика советской власти в отношении мусульманского духовенства в Каракалпакстане (1917-1941 гг.). – Нукус, 2021.

¹⁷ Кошанов Б.А., Каракалпакстан тарийхнамасы. – Нөкіс, 2016; Кошанов Б.А., Отегенов Х.М. Очерки истории Каракалпакстана. 1916-1991. – Нукус, 2021; Кошанов Б.А., Алламуратов Г.С. Пиржан Сейтов: штрихи к портрету. – Нукус, 2020; Кошанов Б.А., Изимбетова Г.Т., Зинагдинов Н.М. Политика советской власти в отношении мусульманского духовенства в Каракалпакстане (1917-1941 гг.). – Нукус, 2021.

¹⁸ Абдуллаева Я. А. Деятельность партийной организации Каракалпакии по ликвидации хуторской системы в республике (1968-1975 гг.) // Вестник ККФАН УзССР. – Нукус, 1987. - № 2. – С. 53; Ўша муаллиф. Работа партийной организации Каракалпакии по повышению трудовой активности женщин села (1966-1975 гг.) // Вестник ККФАН УзССР. – Нукус, 1988. - № 2. – С. 60; Ўша муаллиф. Қорақалпоғистон хотин-қизлари ва катағонлик сиёсати // посвященной 10-летию журнала «Арал қызлары». «Женщины Арала на рубеже веков»: Материалы международной женской научно-теоритической конференции. – Нукус, 2001. 9/7; Ўша муаллиф. Қорақалпоғистонда совет хокимиятининг мажбурий колхозлаштириш сиёсати ва кишлок. аёлларининг катағон қилиниши // Ўзбекистон тарихи. – Т., 2002. - №2. – Б. 40-45; Ўша муаллиф. Катағонликка учраған кишиларнинг оила аъзолари хақида // Өз РИА Қарақалпакстан белими Хабаршысы. – Нөкіс, 2002. - №3. – Б. 124-125; Ўша муаллиф. Қарақалпакстан хаял-қызлары екінши дунья жузлик урыс жылларында // Өз РИА Қарақалпакстан белими Хабаршысы. – Нөкіс, 2003. - №5. – Б. 72-73; Ўша муаллиф. Россия империяси ва совет тузуми даврида хотин-қизларға муносабат ёки олиб борилған катағонлик сиёсати хақида // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2003. - №4. – Б. 39-41; Ўша муаллиф. Қарақалпакстан хаял-қызлары: Кеше хәм бүгин / XIX асирдиң ақыры хәм XX асир хаял-қызлары. – Нөкіс, 2010. – Б. 224; Ўша муаллиф. Қорақалпоғистон хотин-қизлари тарихшунослиги (XIX асрнинг сўнги чораги – XX аср). – Нукус, 2017. –Б. 40; Ўша муаллиф. The Soviet Repression Policy, its influence on karakalpak women's lives and their results// International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020. - №8; Ўша муаллиф. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX-XX в.в. (социально-политический аспект): Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. – Ташкент, 2005; Ўша муаллиф: Қорақалпоғистон хотин-қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. – Т.: Ижод дунёси, 2004.

Sovet hukumating kadrlar siyosati, “qishloq va ovullarni sovetlashtirish” kampaniyasi, nomenklatura mexanizmi R.J.Bazarboev tomonidan o‘rganildi²⁰.

Xorij mualliflari ham o‘zlarining tadqiqotlarida Qoraqalpog‘iston Respublikasidagi ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy jarayonlarni tahlil qilganlar²¹. Ularda sobiq sovet davlatining ijtimoiy, madaniy siyosatining qishloq aholisi hayotiga ta‘siri, Orol dengizi inqirozi bilan bog‘liq bo‘lgan global o‘zgarishlar, Amudaryo va Sirdaryo daryolarining yuqori oqimida sug‘orish uchun suvning haddan tashqari tortib olinishi, paxta, sabzavot, bog‘ va uzumzorlar va boshqa qishloq xo‘jaligi ekinlarini yetishtirishning kamayishi kabi bir qator jihatlariga e‘tibor qaratilgan. Garchi ularning aksariyati masalani O‘rta Osiyo va O‘zbekiston misolida ko‘rib chiqqan bo‘lsalar ham hukmron tuzum sharoitida mintaqa xalqlari hayotidagi ro‘y bergan o‘zgarishlarni tushuntirib berishga harakat qilganlar.

Umuman, Qoraqalpog‘iston Respublikasi yangi tarixini o‘rganish tarixchilarning katta jamoasi tomonidan boshlab berildi, ammo 1917-1991-yillarda

¹⁹ Уразбаева Р.Дж. Из истории высшего и среднего специального образования в Каракалпакстане. – Нукус: Каракалпакстан, 1994; Ўша муаллиф. История образования в Каракалпакстане (последняя четверть XIX-начало XXI в.). – Ташкент, 2011; Ўша муаллиф. Историография истории образования в Каракалпакстане // Тарихий манбашунослик муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман. – Тошкент, 2008. – С. 374-384.

²⁰ Базарбаев Р.Дж. История кадровой политики Советской власти Каракалпакстане. – Нукус: Билим, 2012; Ўша муаллиф. Изменения социальной структуры каракалпакского общества (конец XIX в 30-е годы XX в) // Вестник ККОАН РУз. – Нукус, 2007. - №3. – С. 70-72; Ўша муаллиф. Кадровая политика бывшей советской власти в Каракалпакстане как орудие формирования социальной опоры тоталитарной власти // Ilm sarchashmalari. – Ургенч, 2009. - № 6. – Б. 24-31; Ўша муаллиф. Nomination is important direction in the personnel policy of the Soviet government in Karakalpakstan in 20-30 years of the XX century // Theoretical & Applied Science. - Philadelphia, USA, 2019. - № 10 (78). – P. 575-578; Ўша муаллиф. Тоталитарный режим и духовность каракалпакского народа // Естественно-гуманитарные науки и их роль в подготовке инженерных кадров: Сборник материалов II международной научно-практической конференции. – Алматы (Казахстан), 2004. – С. 170-171; Ўша муаллиф. Кадровая политика в Каракалпакстане в контексте национального вопроса // Ўзбекистонда миллатларо муносабатлар ва багрикенглик тарихий тажриба ва хозирги замон: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 143-144; Ўша муаллиф. Подготовка педагогических кадров в Каракалпакстане (1934-1938) // Сборник материалов конференции, посвященной 75-летию НГПИ. – Нукус, 2010. – С. 36-38; Ўша муаллиф. Партийная чистка и его отрицательная роль в кадровой политике советской власти в Каракалпакстане // Вопросы археологии, этнографии и истории Южного Приаралья: Сборник материалов международной научно-теоретической конференции. – Нукус, 2011. – С. 143-144; Ўша муаллиф: К историографии истории кадровой политики в Каракалпакстане (1917-1941 гг) // Марказий Осиё тарихи: Манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. – Ташкент, 2012. - №3. – Б. 60-66; Ўша муаллиф. Источники по социально-политической истории Каракалпакстана 20-х годов XX века в контексте кадровой политики советской власти // Марказий Осиё халқлари тарихида манбашунослик ва тарихнавислик масалалари: Республика V илмий-назарий конференцияси. – Тошкент, 2013; Ўша муаллиф. Образование в Каракалпакстане в контексте большевистской идеологии 30-50 годах // Эжинияз атындагы Нөкис мәмлекетлик педагогикалык институтының Илим, билимлендириў хэм тәрбия мәселелерин раўажландырыўдағы орны: Халықаралық илимий-эмелий конференция материаллари. – Нукус, 2014. – Б. 67-69; Ўша муаллиф. Кадровая политика советской власти в Каракалпакстане в 1917-1941 гг.: Автореф. дис. ... д-ра (DSc) ист. наук. – Ташкент, 2020.

²¹ Меньковский В.И. Власть и советское общество в 1930-е годы: англо-американская историография проблемы // W.w.w. nature.sai.msu.ru; Fitzpatrick, Sheila. Education and social mobility in the Soviet Union, 1921-1934. – Cambridge, 1979; Fitzpatrick, Sheila. Stalin and the rfyaking of afigw elite, 1928-1937 // Slavic Review. 1979, vol. 38, №3, - p.377-402; Fitzpatrick S. Everyday Stalinism: Ordinary Life in Extraordinary Times: Soviet Russia in the 1930s. – New York, 1999. – 288 p.; Фицпатрик Ш. Повседневный сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы: город. – М.: РОССПЭН, 2001. – С. 336; Fitzpatrick, Sheila. The Russian revolution and social mobility: a re-examination of the question of social support for the soviet regime in the 1920s and 1930s // Politics and Society. 1984. Vol. 13. - №2. – P.119-141; Fitzpatrick S. Stalinism: New Directions. – London; New York, 2000. – 377 p.; Холмс Л. Социальная история России: 1917-1991. – Ростов на Дону, 1994. – С.142; Хоскинг Д. История Советского Союза. 1917-1991. 2-е изд., испр. – М., 1995. – С. 510; Daly J.C.K., Meppen K.H., Socor V., Star F.S. Anatomy of a Crisis. – Washington, DC: Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program, 2006. – P. 98; Steven Kyle and Phillipe Chabot. Agriculture in the Republic of Karakalpakstan and Khoerzm oblast of Uzbekistan // Department of Agricultural, Resource, and Managerial Economics Cornell University. – Ithaca, New York. 1997; Katzman K., Nichol J. Relations with Key Central Asian States. – Washington, DC: Congressional Research Service Report for Congress, 1998; Julia Bucknall, Irina Klytchnikova, Julian Lampietti, Mark Lundell, Monica Scatasta, Mike Thurman. Irrigation in Central Asia. Social, Economic and Environmental Considerations. Europe and Central Asia Region. Environmentally and Socially Sustainable Development. The World Bank, February 2003.

Qoraqalpog‘iston qishloqlarining ijtimoiy-iqtisodiy hayoti bilan bog‘liq masalalar yetarlicha o‘rganilmasdan qolmoqda.

Tadqiqot mavzusining dissertatsiya bajarilgan ilmiy muassasaning ilmiy-tadqiqot ishlari rejalari bilan bog‘liqligi. Dissertatsiya ishi O‘zbekiston Fanlar akademiyasi Qoraqalpog‘iston bo‘limi Qoraqalpoq gumanitar fanlar ilmiy-tadqiqot institutining FA-F8-00-“Qoraqalpog‘iston tarixi” (eng qadimgi zamonlardan hozirgi kunlargacha) mavzusidagi fundamental loyiha doirasida bajarilgan.

Tadqiqotning maqsadi 1917–1991-yillarda Qoraqalpog‘iston qishloqlarining ijtimoiy-iqtisodiy hayoti tarixini ochib berishdan iborat.

Tadqiqotning vazifalari:

Qoraqalpog‘iston qishloqlarida 1917-1941-yillarda siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy tajribalarni 1920-yillarda yer-suv islohotlarini o‘tkazilishini tarixiy kontekstda tahlil qilish;

Qoraqalpog‘iston qishloqlarining ikkinchi jahon urushi g‘alabasiga qo‘shgan hissasini dehqon aholisi moddiy ahvolidan og‘irlashishiga ta’sirini o‘rganish;

1946-1960-yillardagi amalga oshmagan islohotlar, paxtachilik va sholichilik monopolizatsiyasi yo‘lini yoritib berish;

1965-1985-yillardagi islohotlarni baholash;

“Qayta qurish”ning qishloq aholisi hayotiga ta’sirini o‘rganish;

Qoraqalpog‘iston qishloqlaridagi agrar masalaning ijtimoiy jihatlarini tahlil qilish;

Qoraqalpog‘istonning 1917-1991-yillarda ovul va qishloq aholisi differentsiatsiyasining ijtimoiy jarayonlarga ta’sirini ko‘rsatish;

1917-1991-yillarda Qoraqalpog‘istondagi qishloq aholisi turmush darajasini yoritishdan iborat.

Tadqiqotning obyekti sifatida 1917–1991-yillarda Qoraqalpog‘iston qishloqlarining ijtimoiy-iqtisodiy hayoti tanlangan.

Tadqiqotning predmetini Qoraqalpog‘iston qishloqlarida o‘tkazilgan ijtimoiy-iqtisodiy eksperimentlar, jamoalashtirish jarayonlari, Qoraqalpog‘iston qishloqlaridagi agrar masalaning ijtimoiy jarayonlarga ta’siri, Qoraqalpog‘iston ovul va qishloq aholisi bilan bog‘liq jarayonlar tashkil qiladi.

Tadqiqotning usullari. Tadqiqotda tarixiylik va determinizm tamoyillari, xronologik, tizimli, tarixiy-analitik tamoyillardan foydalanilgan.

Tadqiqotning ilmiy yangiligi quyidagilardan iborat:

Qoraqalpog‘istonda 1921-1924-yillarda iqtisodiyotning agrar sektorida o‘tkazilgan tezkor yer islohoti faqatgina yerni oldi-sotdisini taqiqlash, qishloq xo‘jaligi ahamiyatidagi barcha yerlarning Narkomzemga olib berishga qaratilib, buning natijasida yerlarni ijaraga berish huquqiga ega bo‘lgan taqdiridagina foydalanishi mumkinligi qishloqlardagi aholi daromadlari va farovonligining pasayishiga olib kelganligi ochib berilgan;

1917-1924-yillarda “Yer to‘g‘risida Dekret”ning e‘lon qilinishi va uni Qoraqalpog‘iston sharoitida amalga oshirishga urinishlar, 1925-1928-yillar – agrar munosabatlarni sinfiy nuqtai-nazardan siyosiyashtirish, qatag‘on va quvg‘in qilishning boshlanishi, 1929-1933-yillar – majburiy jamoalashtirish, 1934-1941-

yillar – ommaviy ravishda qonunlarga amal qilmaslik kabi holatlar qishloq xo‘jaligida ham davlat nazoratining kuchayishi va tizimda totalitarizmning o‘rnatilishiga olib kelganligi yoritilgan;

1946-1964-yillarda qishloq aholisining ijtimoiy darajasi pastligi sharoitida kolxoz xo‘jaliklarini boshqarishdagi rahbarlarning saviyasi bilan bog‘liq kamchiliklar va kolxozdagi an‘anaviy ekin maydonlarining qisqarishi natijasida mahsulotlarni ishlab chiqarishning o‘sish sur‘ati sekinlashishi, oziq-ovqat, sanoatning qishloq xo‘jalik xom ashyosiga bo‘lgan ehtiyojini qoplamasligi pirovardida qishloq aholisining ijtimoiy muammolariga sabab bo‘lganligi asoslangan;

1980-yillarda agrosanoat majmuasining moddiy-texnik bazasining nochorligi hamda qishloq joylardagi ishlab chiqarish va ijtimoiy sohalariga yo‘naltirilgan sarmoyalardan tushadigan iqtisodiy foyda nihoyatda past darajada qolishi iqtisodiyotning agrar sektorini ekstensiv rivojlantirish uchun zaxiralar tugallanganini ko‘rsatib, qishloqlardagi ijtimoiy muammolarning keskinlashishiga sabab bo‘lganligi asoslangan.

80-yillarda agrosanoat majmui moddiy-texnik bazasining nochorligi, qishloqda qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishi va ijtimoiy sohaga yo‘naltirilgan investitsiyalar hisobidan iqtisodiy foydaning nihoyatda pastligi qishloqlarda keng ko‘lamli ishlab chiqarish zaxiralari mavjudligini ko‘rsatdi. Iqtisodiyotning agrar sektorining rivojlanishi tugatilib, qishloqlarda ijtimoiy muammolarning keskinlashuviga olib keldi.

Tadqiqotning amaliy natijalari quyidagilardan iborat:

tadqiqot mavzusi bo‘yicha materiallar va ilmiy adabiyotlarning tarixiy tahlili Qoraqalpog‘istondagi agrar munosabatlar tarixini o‘rganish bo‘yicha yondashuvlarni takomillashtirish imkonini berdi;

Qoraqalpog‘istonda yer-suv islohotlarining amalga oshmaganligi, qishloq xo‘jaligini kollektivlashtirish rivojlanishning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy omillarini hisobga olmasdan o‘tkazilganligini muammolarni tahlil qilish asosida aniqlangan.

Tadqiqot natijalarining ishonchliligi. Tadqiqotda tarix fanida tan olingan zamonaviy yondashuv va usullarning qo‘llanilganligi, ko‘plab yozma manbalar, arxiv hujjatlari, ilmiy adabiyotlar, davriy matbuot materiallaridan foydalanilganligi, keltirilgan ma‘lumotlar birlamchi manbalarga asoslanganligi, qo‘lga kiritilgan natijalar, xulosalar, ishlab chiqilgan taklif va tavsiyalarining amaliyotga joriy etilgani, olingan natijalarning vakolatli tuzilmalar tomonidan tasdiqlangani bilan izohlanadi.

Tadqiqot natijalarining ilmiy va amaliy ahamiyati. Tadqiqot natijalarining ilmiy ahamiyati dissertatsiyada ishlab chiqilgan tavsiyalar jamiyatning iqtisodiy va ma‘naviy rivojlanish vazifalarini hal qilishda nazariy asos sifatida xizmat qilib, ular Qoraqalpog‘istonning yangi tarixi, xususan, respublika agrar taraqqiyoti muammolari bilan bog‘liq jihatlarni yoritishda foydalanilishi mumkin.

Tadqiqot natijalarining amaliy ahamiyati dissertatsiyaning asosiy qismlari va xulosalari qishloqlarni rivojlantirish va obodonlashtirishga qaratilgan Davlat

dasturlarini amalga oshirishda, qishloq xo‘jaligi muammolari bilan bevosita shug‘ullanuvchi va ushbu sohada qayta qurishlarni va umuman iqtisodiyotni modernizatsiyalashni amalga oshiruvchi tegishli davlat muassasalari uchun amaliy ishlanmalar uchun uslubiy ko‘rsatmalar vazifasini bajarishi mumkin.

Tadqiqot natijalarining joriy qilinishi. Tadqiqot jarayonida ishlab chiqilgan ilmiy xulosalar, tavsiyalar asosida Qoraqalpog‘iston qishloqlarining ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti bo‘yicha quyidagilar amalga oshirildi:

Qoraqalpog‘istonda 1921-1924-yillarda iqtisodiyotning agrar sektorida o‘tkazilgan tezkor yer islohoti faqatgina yerni oldi-sotdisini taqiqlash, qishloq xo‘jaligi ahamiyatidagi barcha yerlarning Narkomzemga olib berishga qaratilib, buning natijasida yerlarni ijaraga berish huquqiga ega bo‘lgan taqdirdagina foydalanishi mumkinligi qishloqlardagi aholi daromadlari va farovonligining pasayishiga olib kelganligiga oid natijalardan Qoraqalpog‘iston Respublikasi Mahalla va nuroniylarni qo‘llab-quvvatlash vazirligida Qoraqalpog‘iston qishloq aholisining 1917-1991-yillarda ijtimoiy-iqtisodiy holati sohasidagi zamonaviy ilmiy tadqiqotlarga bag‘ishlangan tarixshunoslik bibliografiyasini tayyorlashda qo‘llanilgan (QR Mahalla va nuroniylarni qo‘llab-quvvatlash vazirligi 06-10/422-sonli ma‘lumotnomasi 2022-yil 11-iyul). Natijalarning qo‘llanilishi agrar islohotlar bo‘yicha manzilli qarorlarni qishloq aholisining ijtimoiy-iqtisodiy holatiga mos holda ishlab chiqish imkonini bergan;

1917-1924-yillarda “Yer to‘g‘risida Dekret”ning e‘lon qilinishi va uni Qoraqalpog‘iston sharoitida amalga oshirishga urinishlar, 1925-1928-yillar – agrar munosabatlarni sinfiy nuqtai-nazardan siyosilashtirish, qatag‘on va quvg‘in qilishning boshlanishi, 1929-1933-yillar – majburiy jamoalashtirish, 1934-1941-yillar – ommaviy ravishda qonunlarga amal qilmaslik kabi holatlar qishloq xo‘jaligida ham davlat nazoratining kuchayishi va tizimda totalitarizmning o‘rnatilishiga olib kelganligi bo‘yicha natijalardan Qoraqalpog‘iston Respublikasi Teleradiokompaniyasi “Assalawma aleykum, Qaraqalpaqstan”, “Jaslar hám bilimlendiriw” nomli teleko‘rsatuvlar va eshittirishlarni tayyorlashda qo‘llanildi (QR Teleradiokompaniyasi 05-22/491-sonli ma‘lumotnomasi 2022-yil 10-avgust). Natijada teletomoshabinlarning sovet davrida Qoraqalpog‘istondagi agrar islohotlarning asl mazmun-mohiyatini tushunishlariga yordam bergan;

1946-1964-yillarda qishloq aholisining ijtimoiy darajasi pastligi sharoitida kolxoz xo‘jaliklarini boshqarishdagi rahbarlarning saviyasi bilan bog‘liq kamchiliklar va kolxozdagi an‘anaviy ekin maydonlarining qisqarishi natijasida mahsulotlarni ishlab chiqarishning o‘sish sur‘ati sekinlashishi, oziq-ovqat, sanoatning qishloq xo‘jalik xom ashyosiga bo‘lgan ehtiyojini qoplamasligi pirovardida qishloq aholisining ijtimoiy muammolariga sabab bo‘lganligiga oid natijalardan Qoraqalpog‘iston Respublikasi Qishloq xo‘jaligi vazirligi tomonidan qishloqlarni rivojlantirish, Davlat dasturlarining bajarilishida foydalanilgan (QR Qishloq xo‘jaligi vazirligi 01/011-2743-sonli ma‘lumotnomasi 2022-yil 28-sentyabr). Natijalarning qo‘llanilishi respublikada zamonaviy qishloq xo‘jaligini shakllantirish, mavjud muammolarga yechimlar topishga qaratilgan yondashuvlarni ishlab chiqishga imkon bergan.

1980-yillarda agrosanoat majmuasining moddiy-texnik bazasining nochorligi hamda qishloq joylardagi ishlab chiqarish va ijtimoiy sohalarga yo'naltirilgan sarmoyalardan tushadigan iqtisodiy foyda nihoyatda past darajada qolishi iqtisodiyotning agrar sektorini ekstensiv rivojlantirish uchun zaxiralar tugallanganini ko'rsatib, qishloqlardagi ijtimoiy muammolarning keskinlashishiga sabab bo'lganligi haqidagi natijalardan Qoraqalpog'iston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi tomonidan qishloqlarni rivojlantirish, Davlat dasturlarining bajarilishida foydalanilgan (QR Qishloq xo'jaligi vazirligi 01/011-2743-sonli ma'lumotnomasi 2022-yil 28-sentyabr). Natijalarning qo'llanilishi hududlardagi qishloq xo'jaligini rivojlantirishga qaratilgan maqsadli dasturlarni takomillashtirishga imkon bergan.

Tadqiqot natijalarining aprobatsiyasi. Tadqiqot natijalari 8 ta ilmiy konferensiyada, shu jumladan, 2 ta xalqaro va 6 ta respublika miqyosidagi ilmiy-amaliy konferensiyalarda aprobatsiyadan o'tgan.

Tadqiqot natijalarning e'lon qilinganligi. Dissertatsiya mavzusi bo'yicha jami 17 ta ilmiy ish chop etilgan. Shulardan O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasining doktorlik dissertatsiyalari asosiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlarda 9 ta maqola, jumladan, 5 ta maqola Respublika jurnallarida va 4 ta maqola xorijiy jurnallarda e'lon qilingan.

Dissertatsiyaning tuzilishi va hajmi tadqiqot ishining maqsad va vazifalari bilan aniqlanadi. Dissertatsiya kirish, uch bob, xulosa, manbalar va adabiyotlar ro'yxatidan tashkil topgan. Dissertatsiyaning tadqiqot qismi 153 betni tashkil qiladi.

DISSERTATSIYANING ASOSIY MAZMUNI

Kirish qismida mavzuning dolzarbligi va zarurati, o'rganilganlik darajasi bayon qilingan, tadqiqotning maqsadi, vazifalari, predmeti hamda obykti, tadqiqot usullari belgilangan, ishning O'zbekiston Respublikasi fan va texnologiyalari rivojlanishining ustuvor yo'nalishlariga mosligi ko'rsatilgan, tadqiqotning ilmiy yangiligi, amaliy natijalari, natijalarning ishonchligi, nazariy va amaliy ahamiyati tavsiflangan, natijalarning amaliyotga joriy etilishi, nashr etilgan ishlar, dissertatsiya tuzilishi borasidagi ma'lumotlar keltirilgan.

“1917-1941-yillarda o'tkazilgan islohotlarning Qoraqalpog'iston qishloqlari ijtimoiy-iqtisodiy hayotiga ta'siri” nomli 1-bobida amalga oshirilgan islohotlar tahlil etilib, unda 1917-1924-yillar – «Yer to'g'risida Dekret»ning e'lon qilinishi va uni Qoraqalpog'iston sharoitida amalga oshirishga urinishlar; 1925-1928-yillar – agrar munosabatlarni siyosiyashtirish, qatag'on va quvg'in qilishning boshlanishi; 1929-1933-yillar – majburiy jamoalashtirish, boylar qatlami, ruhoniylarga nisbatan repressiv tadbirlarni kuchayishi; 1934-1941-yillar – ommaviy qonunsizlik, qishloq xo'jaligidagi davlat nazoratining kuchayishi va jamiyat ustidan total nazoratning o'rnatilishi kabi burilish nuqtalari aniqlangan.

Ta'kidlash lozimki, agrar islohotlar vazifasiga quyidagilar kiritildi: yirik yer egalarning yerlarini bo'lib yuborish, yangi yer tuzishni amalga oshirish, dehqon xo'jaliklarini inventar, ishchi hayvonlari va boshqalar bilan tenglashtirish - mehnat

boshlanishini ta'minlash. Ularni yaxshi bilmagan sohaga jadal aralashishi uchun asosiy omil bu ovullar va qishloqlarda oziq-ovqat ahvoning yomonlashib borishi, ocharchilik xavfi edi²².

Amudaryo bo'limida yerlarning umumiy maydoni 110 ming kv.km. (105 063 kv. verst)dan ortiq edi²³. Hududning qishloq xo'jaligidagi umumiy holatini intensiv dehqon xo'jaligi ko'rsatib bera oldi. Bunday hodisaning sababi, G.Bukeyxanov²⁴ fikriga ko'ra, quyidagilarda yashiringan edi: «qazu» bo'yicha ishlarning zarurligi; dehqon dalalariga suvni ishlatishga mos holda yetkazib beradigan suv tarmoqlarini har yili ta'mirlash va ish sharoitini ta'minlash; yer joylashgan joyni tekislash va uni sug'orish maydonlariga ajratish; tuproq yuzasiga puxta ishlov berish; maydonlarga har yili o'g'itlarni (go'ng bilan rash) chiqarish; ekiladigan ekinlarning texnik turi - ko'p mehnat talab va xo'jalik uchun foydali ekinlarning xilma-xilligi; bug'lanuvchi maydonlarni qisqartirish yoki ularni umuman bartaraf qilish; yovvoyi o'tlarning mo'lligi va ular bilan kurash.

Xo'jalik yuritishning moddiy-texnik ta'minoti Amudaryo bo'limida past darajada bo'ldi. Dehqonchilik bilan shug'ullanuvchi bitta xo'jalikka o'rtacha 2,5 boshdan, shu jumladan, otlar 1,4 bosh, ho'kiz – 0,6 boshdan, tuyalar – 0,7 boshdan to'g'ri keldi. Bundan, avvalo, qishloq xo'jaligi zarar ko'rdi. Kondrashevning ma'lumotlariga ko'ra (1913-1914-yillarda o'tkazilgan) suvni dalaga o'z oqimi bilan olib chiqishning qiyin bo'lishi sababli dehqonlar foydali ish koeffitsiyenti past bo'lgan eski konstruksiyani (mahalliy chig'ir) qo'lladilar. Agar o'z oqimi bilan 1 ga yerni sug'orishga o'rtacha 22,7 soat talab qilinsa, chig'ir foydalanilganda esa 51,6 soat sarflandi. U yana qimmatga tushadigan tadbir bo'lib, sug'orishning bu turiga sarf xarajat summasi yiliga 2755000 rublga yetdi²⁵.

Kengash hukumatining Qoraqalpog'istondagi agrar sektorining 1917-1921-yillardagi muammolarini hal qilishga yo'naltirilgan huquqiy normalari ziddiyatli bo'ldi va mintaqa sharoitlarida amalga oshirilishi mumkin bo'lmaganligini tasdiqlash mumkin. Bunda aholining turmush tarzi va urf-odatlarini umuman hisobga olinmadi.

Amudaryo viloyati kooperativlari dalalarini sug'orish uchun Turkiston ASSR yer komissariati 8751 ming rubl berdi, Amudaryo viloyati inqilobiy komiteti 200 dona chig'irlarni tayyorlash uchun mablag' ajratdi²⁶. Magistr kanallarni qayta tiklash va ta'mirlash aholining xususiy mablag'lari hisobidan amalga oshirildi. Shunday tezkor o'tkazilgan tadbirlar natijasida 1921-yilda Amudaryo viloyatidagi ekin maydonlari ortdi va 162666 tanobga yetdi. Dehqonlar irrigatsiya ishlariga 16 mingdan oshiq beli bor ishchilarni yolladi. Faqat bosh sug'orish kanallarini tozalashga, mayda ishlarni hisobga olmaganida, mavsumda jami 731370 ishchi kuchi sarflandi²⁷.

²² Семенов В.А. Опыт решения продовольственного вопроса в Туркестане в первые годы Советской власти. 1917-1920.: Тар. фан. ном. ... дис. ... автореф. – Ташкент, 1991. – С. 11.

²³ Қорақалпоғистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ҚРМДА), 1-фонд, 2 рўйхат, 133-иш, 4-варақ.

²⁴ Букейханов Г. Сельское хозяйство Кара-Калпакской области // Народное хозяйство. – М., 1928. - № 11-12. – С. 251-252.

²⁵ ҚРМДА, 17-фонд, 2 рўйхат, 16-иш, 33-варақ.

²⁶ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 603-иш, 7-варақ.

²⁷ ЎзМА, Р-29-фонд, 3-рўйхат, 212-иш, 3-варақ.

Agar Turkistonning boshqa viloyatlarida bir tanob yerni sug'orish uchun 1 rubl sarflangan bo'lsa, Amudaryo viloyatida – 20 rubl, ya'ni 20 marta ko'p bo'lgan. 1921-yil bahori va yozida Amudaryodagi suv toshqini 1922-yilgi bahorgi ekish ishlarini qiyinlashtirdi. Bularning hammasi katta moliyaviy mablag' va ishchi kuchini talab qildi. Agrar islohotni amalga oshirish uchun natural majburiyat tartibidagi ko'p ishchilarni yig'ish zarur edi, chunki, davlat tomonidan ajratilgan mablag' hisobidan irrigatsiya bo'yicha zarur ishlarni amalga oshirish mutlaq mumkin bo'lmagan. Amudaryo viloyati iqtisodiy kengashi Prezidiumi 1922-yil 17-iyunda markaziy hukumat ko'rsatmasiga binoan mazkur masala bo'yicha aholining o'ziga to'q qismiga soliqni ko'paytirish bo'yicha qaror qabul qildi²⁸.

Qoraqalpoq muxtor viloyati deputatlari Kengashi birinchi syezdi qabul qilgan rezolyutsiyada (1925) qishloq xo'jaligining «ekin maydonlarining ayanchli kamayishi, ishchi qora mollarning yetishmovchiligi, qishloq xo'jaligi asbob-uskunalarining to'la eskirishi, irrigatsiya tizimining yuqori malakali bilimdon ishchilarsiz qiyin ahvoli dehqonlar uchun og'ir mehnatga aylanishida» ifodalanganligi ta'kidlanadi²⁹.

Amudaryo viloyatidagi agrar munosabatlar sohasidagi voqealarni YYS sharoitida tahlil qilib, ushbu jarayonlarni o'ziga xos belgilari ichki ziddiyatdan kelib chiqqanligini ta'kidlash lozim. Amudaryo viloyatining iqtisodiyotini ko'tarishda sezilarli yutuqlarga erishishlariga qaramay, ular xo'jalik o'sishining ochilayotgan imkoniyatlariga mos kelmasligi ma'lum bo'ldi. Ammo, eng muhim savol shundaki, ushbu davrda yer-suv islohoti olib borildimi? Javob tariqasida shuni ko'rsatish mumkinki, mahalliy xususiyatlarga ko'ra uning amalga oshirilishi mumkin bo'lmadi, chunki yerdan foydalanishda unga ishlov berishning orqada qolgan shakllarini ustun bo'lishi, patriarxal-feodal munosabatlar va tuproq-iqlim sharoitlarining og'ir ahvolda bo'lishi islohotlarni amalga oshirishdagi to'siqlar edi.

1928-yil 24-noyabrda «QAV dagi yer-suv islohoti to'g'risida»gi qaror qabul qilindi³⁰. «Keng batrak-kambag'al va kichik qudratli-o'rtachalar ahlining erishilgan siyosiy tayyorligi» mavjud ekanligi ta'kidlandi, bu esa batrak-kambag'al qatlamning o'rtahollar bilan ovul va qishloqlarda yer-suv munosabatlarining ijtimoiy sinfiy o'zgarishlar uchun boylarga qarshi yagona blokka kirish zarurligini to'la anglab olishlariga erishish uchun asos bo'ldi.

Galetov 1928-yil 20-noyabridagi «QAV dagi yer-suv islohoti» to'g'risidagi bayonotida «islohotni o'tkazishni biz hozir qo'llay olmaymiz, chunki oldimizda kompaniya - «Qo'shchi»ni tozalash, Sovetlarning qayta saylovlari, rentabellikka ko'ra soliqqa tortishning yangi tamoyillari, «qazu»ni amalga oshirish, ekish kampaniyasi» - borligini ta'kidlaydi³¹.

Aynan yillik daromadi 100 rubldan kam xo'jaliklar natural aybdorlikdan ozod qilindi. Daromadi 200 dan 300 rublgacha bo'lgan xo'jaliklar bir ishchini qoldirgan holda, 408 rublgacha daromadga ega boy xo'jaliklar ikkita ishchini ishlatishi mumkin edi. 400 rubldan ko'p daromadga ega xo'jaliklar har bir 100 rubliga

²⁸ ЎзМА, Р-25-фонд, 1-руйхат, 936-иш, 121-варак.

²⁹ ҚРМДА, 1-фонд, 1-руйхат, 154-иш, 105-варак.

³⁰ ҚРМДА, 1-фонд, 2-руйхат, 135-иш, 12-варак.

³¹ ҚРМДА, 1-фонд, 2-руйхат, 135-иш, 11-варак.

qo‘shimcha bir ishchidan, 800 rubl va bundan ortiq daromadga ega bo‘lganida esa har bir kelgusi 100 rubliga 2 nafar ishchidan foydalanishi lozim edi.

1930-yilning 17-martida QQAV Ijroqo‘mining «QQAV ancha yirik ta’siri kuchli yarim-feodallarni bartaraf qilish to‘g‘risida»gi qarori qabul qilindi. Birinchi navbatda, 1929-yil qarshilik harakatining ishtirokchilari siyosiy genotsidga tortildi. Butun viloyat bo‘yicha maxsus ro‘yxat tuzilib, 295 ta xo‘jalik ko‘chirib yuborildi³².

Qozog‘iston va Rossiyaning markaziy qismida dahshatli ochlik yoyildi, bu aholi katta qismining O‘rta Osiyo, jumladan, Qoraqalpog‘istonga migratsiyalanishiga majbur qildi. Qora mollarning bosh soni va qishloq xo‘jalik mahsulotlarining kamayib ketishi shunday vaziyatga sabab bo‘ldi. Shaharlarning ta‘minlanishi qoniqarsiz holatda bo‘lib, qishloq joylarda esa turmush yomonlashdi. Bunga yana 1932-yildagi qurg‘oqchilik ham o‘z ta’sirini ko‘rsatib, mamlakat iqtisodiyotida tovar-pul munosabatlarining nomuvofiqligiga olib keldi. Qoraqalpog‘istonda xodimlar va ishchilar uchun kartochka sistemasi, dehqonlar uchun ish kuniga beda payoklari joriy qilindi.

1934-yildagi suv toshqinidan qishloq xo‘jaligi katta zarar ko‘rib, respublikaning 8 ta rayonining 10220 ta xo‘jaligi tabiiy ofatga uchradi. Suv toshqini oqibatida 17955 ga ekin, jumladan, 6973 ga paxta suv ostida qoldi, 5466 ta kolxoz va 2970 ta xo‘jalik zarar ko‘rdi. Qishloq xo‘jaligiga keltirilgan umumiy zarar 6630 ming rublni, irrigatsiya tizimidagi buzilishlarning hajmi 2186 ming rublni tashkil qildi³³.

“Qoraqalpog‘iston qishloqlari Ikkinchi jahon urushi va urushdan keyingi davrda (1941-1965-yillar)” nomli ikkinchi bobida front ehtiyojlari uchun kerakli vositalar yetkazib beruvchi kuchli arsenal, paxta monopoliyasi bajarilgan davrda o‘lkadagi qishloq hayoti bayon etilgan.

1942-yil 13-aprelda «Kolxozchilar uchun majburiy ish kuni minimumini oshirish to‘g‘risida» qaror qabul qilindi, unga muvofiq majburiy minimum ikki baravar oshirildi va bolalar mehnatidan foydalanishga ruxsat berildi.

QQASSR Xalq Komissarlari Kengashining 1941-yil 4-fevraldagi «Mahalliy xomashyodan foydalangan holda iste‘mol tovarlari va oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishni ko‘paytirish to‘g‘risida» qaroriga ko‘ra ishlab chiqarishning kengaytirilishini asosan mahalliy xomashyo manbalaridan (yovvoyi o‘simliklar: nasha, jiyda, qo‘g‘a, qamish o‘simliklari, mahalliy daraxt turlari, shuningdek, teri, jun, suyak, shox, tuz, bo‘r va h.) foydalanish hisobidan amalga oshirish rejalashtirilgan edi³⁴.

Urush davridagi holat tinchlik davrida ishlab chiqarilmagan mahsulotlar ishlab chiqarishni talab qildi. Masalan, gazlamalar tanqisligi kelib chiqishiga, asosan maxsus ish kiyimlari, tayyor ustki kiyimlar, paxta terish uchun qoplar tikish va boshqa maqsadlarda ishlatiladigan matolar ishlab chiqarilishi sabab bo‘ldi. QQASSR tumanlaridagi sanoat korxonalarini va kooperativ artellari 1944 yilning o‘zida ushbu xonaki dag‘al matodan 160 ming metr ishlab chiqargan edi. Bu mato

³² КРМДА, 1-фонд, 2-рўйхат, 140-иш, 4-5-варақлар.

³³ КРМДА, 1-фонд, 163-рўйхат, 291-иш, 1-2-варақлар.

³⁴ КРМДА, 322-фонд, 1-рўйхат, 794-иш, 134-варақ.

faqat chetdan keltirilgan ipdan emas, balki, sanoat kooperatsiyasi artellarining o'zida tayyorlangan kalava ipdan ham to'qilgan. 1945 yilda kooperativ artellar o'z yigiruv uskunalari bilan 36 tonna kalava ip ishlab chiqardi³⁵.

Ikkinchi jahon urushi yillarida Qoraqalpog'istondan frontga 32,430 kg go'sht, 14,179 kg guruch, 5800 kg dan ortiq don, 2327 dona mo'ynali kalta to'n, 1258 juft qo'lqop, 3150 juft paypoq, 1000 juft jun paypoq, 1000 dona issiq ichki kiyim, 1500 dona kurtka, 3900 juft piyama, 7 mingdan ortiq paxta shim va fufaykalar jo'natildi³⁶. Aholi tomonidan frontdagi askarlarga sovg'alar olish uchun 817229 rubl ajratildi.

Shuningdek, Qoraqalpog'iston urush yillarida davlatga 285 ming tonna paxta, 764 ming tonna pilla, 1050 ming pud sholi, 15,2 ming tonna go'sht va 571 tonna moy va yog', 609 tonna jun, Mo'ynoq tumani baliq zavod tomonidan 622,3 ming tuzlangan, quritilgan va dudlangan baliq topshirildi.

Respublikaga evakuatsiya qilingan 3900 ga yaqin fuqaro joylashtirildi. Ulardan 1400 dan ortig'i kolxozlarga, 900 dan ortiq fuqarolar esa korxonalar va muassasalarga ishga joylashtirildi. Davlat ularga yordam ko'rsatdi, evakuatsiya qilingan bolalar uchun 136 ming rubl va bolalar kiyimlari yig'ildi. Aholi ichida ayrim oilalar ota-onasidan ayrilgan bolalar tarbiyasini o'z zimmasiga oldi. Kolxozlarda bolalar uylari tashkil qilindi.

Qishloq aholisi respublikadagi donga bo'lgan ehtiyojni o'zlari yetishtirgan g'alla hisobidan qondirishga harakat qildi. 1940-yilda respublika bo'yicha umumiy yalpi g'alla hosili 45 ming tonna, 1943-yilda esa 88 ming tonnani tashkil etganligi sababli Qoraqalpog'iston ASSR kolxozlari tomonidan davlatga 1940-yilga nisbatan don 241 ming pud, sholi 304,7 ming pud, kunjut 3402 ming pud, kartoshka 25,8 ming pud, sabzavot 28,2 ming pudga ortiq topshirildi³⁷. To'rt yil davom etgan urush mamlakatda butun tarixiy davrga cho'zilgan iz qoldirdi. Front orqasida 90 ming odam sovuq, ochlik, epidemiya tufayli vafot etgan³⁸.

Obyektiv sabablarga ko'ra sanoatga qaraganda qishloq xo'jaligini qayta tiklash qiyinroq edi. Sohaning moddiy-texnik bazasiga yetkazilgan zararining o'rnini qoplash, eng muhimi, qishloqning mehnat salohiyatini tiklash uchun bir necha yillar o'tishi kerak edi. Shuni ta'kidlash joizki, 1950-yilda Qoraqalpog'iston qishloqlarida 417,9 ming odam faoliyat yuritgan³⁹.

Qoraqalpog'iston rejalarida paxtachilik, chorvachilik va baliqchilikni rivojlantirish bilan bir qatorda «bog'dorchilik va polizchilikni yuksaltirish, mahalliy sanoat va sanoat kooperatsiyasida xalq iste'moli mollari ishlab chiqarishni sezilarli darajada oshirish, qurilish mollari ishlab chiqarishni kengaytirish ko'zda tutilgan edi⁴⁰. Chimboy, Qo'ng'iro't va Xo'jayli moy zavodlari, Nukus non kombinati, pivo va limonad zavodlari qurilishiga katta ahamiyat berildi. Tuman markazlari o'rasida muntazam avtomobil qatnovi yo'lga qo'yilishi

³⁵ ҚРМДА, 322-фонд, 1-рўйхат, 794-иш, 12-варак.

³⁶ ҚРМДА, 1-фонд, 37-рўйхат, 59-иш, 31-варак.

³⁷ ҚРМДА, 1-фонд, 37-рўйхат, 59-иш, 43-варак.

³⁸ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). 2-китоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 408.

³⁹ Советская Каракалпакия. – Нукус, 1951, 6 март.

⁴⁰ Закон о пятилетнем плане восстановления и развития народного хозяйства Каракалпакской АССР на 1946-1950 гг. – Нукус, 1946. – С. 8.

aholining ijtimoiy ahvolini yaxshilashga xizmat qilishi kerak edi. Telefon stansiyalari sig'imini 1700 raqamga, radiostansiyalar sonini 9300 taga yetkazish rejalashtirildi.

Paxtachilikka yirik sarmoyalar kiritildi, irrigatsiya kanallari qurildi, qishloq xo'jaligi texnika va uskunalari olib kelindi. Ammo, tarixiy tajriba shuni ko'rsatadiki, ushbu qarorlarni amalga oshirish mexanizmida asosiy omil - inson unutilgan. Paxtakorni «oltin qo'lli» mohir usta deb atashgan. Shu bilan birga, u Sovetlar mamlakatining paxta xomashyosini yetishtirish bo'yicha dunyoning boshqa davlatlaridan ustunligini ta'minlaydigan tizimning oddiy uzviy qismi edi. Paxtakorlar har doimgidek kechayu-kunduz dalada mehnat qilar edi.

Tabiiyki, kolxozchi asosiy daromadni shaxsiy yordamchi xo'jaligidan olgan. Ammo dehqon oilasining bu daromad manbai ham qishloq xo'jaligi solig'i bilan qattiq cheklanib qolgan bo'lib, bu soliqlar uchun to'lanadigan xarajatlar o'rnini to'liq qoplashi dargumon edi.

Qoraqalpog'iston aholisi 1950-yilda 1948-yildagidan 159,2 million rublga ko'p mahsulot sotib oldi. Chorjo'y-Qo'ng'iro't temir yo'li quruvchilari 608747 rubllik (yangi nominaldagi) sanoat tovarlarini olishdi. Yangi energetiklar shahri – Taxiatosh shahrining 12 ming nafar aholisi turli xalq iste'moli mollari bilan ta'minlandi. Qoraqalpog'iston aholisini un bilan ta'minlash Orol paroxodchiligi sa'y-harakatlari bilan Mo'ynoqdagi Uchsoy pristani orqali amalga oshirildi.

Qishloq aholisining oilaviy hayotida yangilik - mototsikl, velosiped, radio, fotoapparatlar paydo bo'ldi. 1950-yillarning o'rtalariga kelib, 1950-yillarning boshlari bilan solishtirganda qishloq aholisining temir krovatlarga bo'lgan ehtiyoji 26 barobar, radioga bo'lgan ehtiyoji 5,5 barobar, velosiped va mototsikllarga ehtiyoji 4,4 barobar, qurilish materiallariga ehtiyoji 6 barobar, chinni va sopoldan ishlangan uy-ro'zg'or idishlariga bo'lgan ehtiyoji 7,8 barobarga oshdi⁴¹.

Bosh turkman kanalini qurish maqsadi va uning amalga oshirilishiga ishonch Qoraqalpog'iston kolxozchilarining bunyodkorona kelajakka ishonchini oshirdi. Angliyaning «Тayms» gazetasi muxbiri Ralf Parker bu haqda shunday yozgan edi: «Ular uchun hamma narsa tez yaxshi tomonga o'zgarib borayotganiga qat'iy ishonch qiyinchilik va muhtojliklar uchun munosib kompensatsiya bo'lib xizmat qiladi»⁴².

1952-yilda Qoraqalpog'iston ayollarining 65 foizi paxtachilikda band bo'lib, 90%i esa pillachilik bilan shug'ullanar edi. Bosh turkman kanali qurilishida xotin-qizlar ekskavator haydovchi, buldozer haydovchi, skreper (yer qazuvchi va tashuvchi mashina) haydovchi, muhandislik kasblarini o'rgandi⁴³.

1964-yil 1-yanvar holatiga ko'ra Qoraqalpog'iston kolxozlarida 4560 nafar kolxozchiga pensiya tayinlangan. Kolxozchilarning xarid qobiliyati o'sishi o'tgan yillarga nisbatan moddiy farovonlik oshganidan dalolat berdi. Faqat 1964-1965-yillarning o'zida qishloq aholisi tomonidan 2 mln.so'mlik 13136 dona televizor va

⁴¹ Сахиев Д., Юсупов О. “Қарақалпақтутыныў” акционерлик компаниясынын тарийхий жылынамасы: пайда болыўы, қалипlesiўи, раўажланьў басқышлары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1999. – Б. 44.

⁴² Паркер Ральф. Советский Союз продлил мне молодость. Избранные статьи и репортажи. – М.: Прогресс, 1966. – С. 83.

⁴³ ҚРМДА, 1-фонд, 7-рўйхат, 1396-иш, 29-варақ.

radiopriemnik, 2413 dona muzlatgich, 2148 dona kir yuvish mashinasi, 2920 dona velosiped, 1936 dona mototsikl, mebel xarid qilindi⁴⁴.

“1965-1991-yillarda qishloqlarda o‘tkazilgan islohotlar va ularning oqibatlari” nomli uchinchi bobda Orol inqirozi avj olgan davrda qishloq hayoti tarixi tahlil etilgan.

Paxta ulushi 85-95 foizga yetgan Qoraqalpog‘istonda qishloq aholisi o‘z real daromadini sezilarli darajada oshira olmadi. 1971-yilga kelib bitta kolxozchining o‘rtacha oylik ish haqi 92 rubl, sovxoz ishchisining o‘rtacha oylik ish haqi 88 rubl darajasida qoldi⁴⁵.

Paxta xomashyosi yetishtirishni yiliga kamida 450-500 ming tonnaga yetkazish, boshqa o‘simlik va chorvachilik mahsulotlarini yetishtirish darajasini ham oshirish bo‘yicha ulkan rejalar belgilandi. 1974-1980-yillarda kamida 150 ming gektar yangi yerlarni kompleks o‘zlashtirish va qishloq xo‘jaligi aylanmasiga kiritish, shu jumladan, To‘rtko‘l, Beruniy tumanlarida, Ellikqal‘a massivida – 20 ming gektar va Jonbosqal‘a massivida - 40 ming gektar, shimoliy tumanlarda sholi – 40 ming gektar, kartoshka, bog‘dorchilik, sabzavot va yem-xashak ekinlari barcha tumanlarda – 10 ming gektar yerni o‘zlashtirish nazarda tutildi.

Mintaqaning qishloq xo‘jaligi tarmog‘ining monomadaniyatga yo‘naltirilganligi uning agrar va ishlab chiqarish sohasidan iste‘molchi sohaga aylanishiga olib keldi. Yangi o‘zlashtirilayotgan yerlar paxta yetishtirish uchun ajratildi. Oziq-ovqat ekinlarini ekish tez sur‘atlar bilan qisqartirildi, qishloq aholisining shaxsiy tomorqalari hajmi cheklandi. Paxta ekinlari tom ma‘noda kolxozchi-dehqon uyining derazalari tagigagacha borib, paxta monopoliyasi shaxsiy yordamchi xo‘jaliklarni rivojlantirish imkoniyatlarini haddan tashqari cheklab qo‘ydi. Natijada respublikaning o‘zini-o‘zi oziq-ovqat bilan ta‘minlash imkoniyatlari yildan yilga kamayib bordi. Respublikaga nafaqat don, balki kartoshka va sabzavotning ayrim turlari ham olib kelina boshladi. Vaziyat shungacha borib yetdiki, do‘konlarda uzoq Moldovadan olib kelingan olma sotila boshladi.

Qoraqalpog‘istonda qishloq xo‘jaligini kimyolashtirish keng ko‘lamda amalga oshirildi. Agar 1960-yilda Qoraqalpog‘istonning kolxoz va sovxozlari 172 ming tonna mineral o‘g‘it olgan bo‘lsa, 1970-yilda bu ko‘rsatkich 347 ming tonnaga yetdi. Paxtadan mo‘l hosil olish maqsadida yerlarga juda ko‘p miqdorda kimyoviy moddalar bilan ishlov berildi. Katta miqdorda pestitsidlar qo‘llash bilan bir qatorda kimyoviy defoliatsiya – paxtani mexanizatsiya yordamida yig‘ib olishni osonlashtirish uchun terim oldidan g‘o‘zaning bargini olib tashlash usuli keng yo‘lga qo‘yildi. Defoliantlar tuproqqa chuqur kirib borgan holda yer osti suvlariga singib, ularni zararlantirar edi.

1970-yillarda 100 ming bosh qoramolga mo‘ljallangan 10 ta chorvachilik fermasi mavjud edi. Ular juda yuqori daromad keltirib, bir sentner go‘sh 70-80 rublni tashkil qilgan. Bu mintaqaning cho‘l hududiga aylanishi Amudaryoning quyi oqimi imkoniyatlarini minimal darajaga tushirdi, o‘lkamizni arzon go‘sh

⁴⁴ ҚРМДА, 1-фонд, 7-руйхат, 134-иш, 5-варақ. Стенографический отчет III Пленума КК обкома КПУз, 5.09.1966.

⁴⁵ Народное хозяйство Каракалпакской АССР за 60 лет. Юбилейный статистический сборник. – Нукус, 1984. – С. 23.

yetishtirish sharoitlaridan mahrum qildi. 1980-yillarda ichimlik suvi sifati sezilarli darajada yomonlashdi. 1982-yilda Tuyamoyin-Nukus-Taxtako‘pir, Urganch-Mang‘it-Taxiatosh-Qo‘ng‘irot-Qulsari suv quvurlarini qurish to‘g‘risida maxsus qaror qabul qilindi⁴⁶.

Qoraqalpog‘istonda “paxta ishi” yillari kolxoz raislari va sovxoz direktorlarining 60 foizi, yetakchi mutaxassislarining 45 foizga yaqini, paxtachilik brigadalarining har uchinchi brigadiri so‘roq qilingan.

Orol dengizining qurishi natijasida xalq birinchi navbatda, dengizning muhim mahsulotlaridan biri - baliqdan mahrum bo‘ldi. Ikkinchidan, dengizning qurigan tubidan doimo chang ko‘tarilib, odamlarda turli kasalliklarni keltirib chiqaradi. Bundan tashqari, Amudaryodagi suvning ifloslanishi dalalarning sho‘rlanishiga va ekinlarning kamayishiga olib keldi, respublikaning o‘simlik va hayvonot dunyosiga zarar yetkazdi.

1982-yilgi oziq-ovqat dasturida aholining yordamchi tomorqalaridan foydalanishi nazarda tutilgan edi. 1985-yilda 39% sabzavot, 31% poliz ekinlari, 57% kartoshka, 49% meva va rezavorlar, 32% uzum, 73% sut, 56% go‘sht, 44% tuxum shu xo‘jaliklarda yetishtirilgan. 128 ta sanoat korxonalari va tashkilotlar yordamchi xo‘jaliklarining roli oshdi.

Qoraqalpog‘iston aholisining chorvachilik mahsulotlariga bo‘lgan ehtiyojini fiziologik oziqlanish me‘yorlari miqdorida qondirish uchun yiliga kamida 80 ming tonna go‘sht, 500 ming tonna sut, 200 mln dona tuxum yetishtirish zarur edi. Amalda esa Qoraqalpog‘istonning barcha toifadagi xo‘jaliklarida 1980 yilda 20 ming tonna go‘sht, 122 ming tonna sut, 42 mln dona tuxum olindi, ya‘ni respublika ichidagi ishlab chiqarish hisobiga aholining chorvachilik mahsulotlariga bo‘lgan ehtiyoji qondirilishi darajasi 25-30% oraliq‘ida bo‘ldi.

Aholi jon boshiga maishiy xizmat ko‘rsatish hajmi SSSR bo‘yicha 22 rubl, O‘zbekiston bo‘yicha 15 rubl, Qoraqalpog‘iston bo‘yicha 11 rublni tashkil qildi⁴⁷. Bu statistik ma‘lumotlar, aholining talabi hali ham yetarli darajada qondirilmaganligi, aholi o‘z vaqti va kuchining sezilarli qismini samarasiz uy ishlariga sarflashga majbur bo‘lganidan darak beradi.

Qishloq aholisi soni 1980-yil 1-yanvarda 536 ming kishini tashkil qildi. Ular 6 ming xutor va 1,5 ming aholi punktlarida yashagan. Ushbu aholi punktlaridan faqat 521 tasi istiqbolli deb topildi.

Qishloq joylarida yo‘l qurilishi eng zaif sohaligicha qoldi. 1985-yilga kelib 33 ta sovxoz, 9 ta kolxoz va 422 ta yirik qishloq aholi punktlarining markaziy yerlarida kirish yo‘llari asfaltlanmagan edi. Qishloq aholisi ichimlik suvi bilan 10 foizdan kam ta‘minlandi. Qoraqalpog‘istondagi ko‘pchilik sovxozlar va kolxozlarning markaziy yerlarining yarmida suv yo‘q edi. Qishloqning 720 ta aholi punkti savdo shoxobchalariga ega emas edi. Ko‘pgina maktablar moslashtirilgan binolarda joylashib, ikki smenada ishlagan.

Kolxoz va sovxozlar texnika narxining oshishidan xavotirda edi. Agar 1982-yilda yem-xashak yig‘ish texnikasi narxi 2200 rubl bo‘lgan bo‘lsa, 1985-yilda u

⁴⁶ КРМДА, 1-фонд, 45-руйхат, 313-иш, 14-варақ.

⁴⁷ ҚР МДА, 322-фонд, 14-руйхат, 45-иш, 7-варақ.

4700 rublga ko'tarildi. Bu ozuqa va yakuniy chorvachilik mahsulotlari tannarxini sezilarli darajada oshirdi. Bu jarayonni qandaydir yo'l bilan to'xtatish kerak bo'lib, aks holda kolxoz va sovxozlarning to'laqonli xo'jalik hisobi va o'zini-o'zi moliyalashtirish sharoitida kun kechirishi, mehnat qilishi va yashashi qiyin bo'lar edi.

Aytish joizki, 1985-yilda Qoraqalpog'istonda 137745 oila tomorqa maydonlariga ega bo'lib, ularning hisobida 19237 gektar yer bo'lgan, shundan 12 ming 853 gektari ekin maydonlari bo'lsa, 963 gektarida bog' va meva va rezavorlar ekilgan edi. Bu Qoraqalpog'istondagi umumiy ekin maydonlarining 3,1 foizini tashkil etdi. Butun shaxsiy oilaviy xo'jalikning chorva mollari umumiy sonidagi solishtirma ulushi: qoramol – 53,9, sigir – 71,4, cho'chqa – 0,7, qo'y va echkilar – 36,6% ni tashkil qilgan. Shaxsiy xo'jaliklar tomonidan 139,3 million rubllik qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarildi, bu qishloq xo'jaligi yalpi mahsulotining 22 foizini tashkil etdi⁴⁸. Qishloq aholisiga yerga ishlov berishda, tomorqa yerlarini o'z vaqtida suv bilan ta'minlashda, yosh chorva mollarni olishda, yem-xashak tayyorlashda, ortiqcha mahsulotni sotishda yordam berish zarur edi.

Shuni ta'kidlash joizki, 1960-1980-yillarda gazlashtirish bo'yicha salmoqli ishlar amalga oshirilgan. Agar 1960-yilda qishloq hududlarida bitta yam gaz o'tkazilgan uy bo'lmagan bo'lsa, 1980-yilga kelib esa ularning soni 75,9 mingni tashkil etdi. 1961-1980 yillarda elektr energiyasidan foydalanadigan xo'jaliklari soni 3 mingdan 19,7 mingtaga ko'paydi. Shuningdek, 1961-1965-yillarda kolxozlarda 225 ming kv. m. maydonda turar-joy binolari qurilgan bo'lsa, 1971-1975-yillarda bu ko'rsatkich 542 ming kv. m., 1976-1980-yillarda esa 451 ming kv. m.ni tashkil qildi⁴⁹. Umuman olganda urushdan keyingi yillarda amalga oshirilgan islohotlar ham kutilgan natijalarga olib kelmadi.

XULOSA

Qoraqalpog'iston qishloqlarining 1917-1991-yillardagi ijtimoiy-iqtisodiy ahvolini o'rganish quyidagi xulosalarga kelish imkonini beradi:

1. Bolsheviklar davlati 1924-1930-yillarda iqtisodiyotning agrar tarmog'i faoliyatining huquqiy asoslarini yaratdi va tasdiqladi (Yer to'g'risidagi, yerni ijtimoiylashtirish, milliyashtirish va h.k. to'g'risidagi dekretlar), yer tuzish ishlari uchun dastlabki sharoitlar yaratdi. Bu yerda ta'kidlanishicha, yangi hukumat mahalliy aholining milliy-tarixiy turmush tarzi, tafakkuri, xalq an'analari va urf-odatlari har tomonlama hisobga olinishidan kelib chiqqan holda harakat qilishi kerak edi, chunki mintaqa aholisi uchun qadimdan an'anaviy turmush tarziga asoslangan ijtimoiy o'zini-o'zi tashkil etishning keng shakli xosdir. Amaldagi ishlab chiqarish va mehnatni tashkil etish tizimining ko'pchilik shakllari ham jamoaviy xususiyatlariga ega bo'lgan. O'lkaning o'zini esa, o'zaro hurmat va barqaror tartib, o'z burchlarini qat'iy bajarmasdan, o'zaro g'amxo'rliksiz farovon va munosib yashash mumkin bo'lmagan muayyan jamiyat, katta bir oila sifatida

⁴⁸ Народное хозяйство Каракалпакской АССР в 1985 году. – Нукус, 1986. – С. 67.

⁴⁹ Народное хозяйство ККАССР. – Нукус, 1984. – С. 38.

qarash mumkin. Ushbu o'lka aholisining, jamoaviy ong darajasida odamlarning, o'z xatti-harakatlarining o'rnatilgan normalari, qoidalari va stereotiplarini namoyish etuvchi qadriyatlar tizimi o'zgarishiga olib keladigan tub o'zgarishlarga, yangiliklarga, ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishida namoyon bo'ladigan milliy mentalitetiga xos bo'lgan etnopsixologik me'yorlarning o'ziga xosligini hisobga olish lozim edi.

2. Yer-suv tadbirlarining siyosiy va ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati yer va suvga xususiy mulkchilikni bekor qilish, yerni sotishni taqiqlashdan iborat bo'lib, barcha qishloq xo'jaligi yerlari, yerlarni qishloq xo'jalik ishlari uchun berish, shuningdek, ushbu yerlarni ijaraga berish huquqiga ega bo'lgan yer xalq komissarligi tasarrufiga o'tkazilgan. O'rganilgan materialga asoslanib shuni aytish mumkinki, o'lkaning butun tarixiy taraqqiyot jarayoni Qoraqalpog'istonda agrar munosabatlarning muayyan bosqichlarini ochib beruvchi bir nechta og'riqli nuqtalarda jamlangan. Shunday qilib, dissertatsiya tadqiqotining xronologik doirasida o'rganilayotgan muammoning asoslarini u yoki bu darajada belgilab bergan burilish nuqtalarini ajratib ko'rsatish mumkin: 1917-1924-yillar – «Yer to'g'risidagi dekret» e'lon qilinishi va uni Qoraqalpog'iston sharoitida amalga oshirishga harakat qilish, 1925-1928-yillar – agrar munosabatlardagi islohotlar borasida siyosiy tashabbus ko'tarish, qatag'on va ta'qiblar boshlanishi, 1929-1933-yillar - majburiy kollektivlashtirish, o'ziga to'q dehqonlar, ruhoniylarga nisbatan repressiv choralar kuchaytirilishi, 1934-1941-yillar – ommaviy qonunbuzarliklar, qishloq xo'jaligida davlat amri o'tkazilishi va jamiyat ustidan to'liq nazorat o'rnatilishi.

3. Tadqiqotda Qoraqalpog'iston qishloqlari (1917-1991-yy) ijtimoiy-iqtisodiy ahvolidan haqiqiy manzarasi yaratildi, bu chora-tadbirlarning mohiyati anglab yetildi, agrar islohotlarning oqibatlari ko'rsatildi. Ilmiy ishda tarixiy voqelikka mos ravishda Qoraqalpog'iston iqtisodiyotining agrar sohasini o'zgartirishning ko'plab asosiy masalalari qayta ko'rib chiqilib, agrar islohotlar tajribasiga tanqidiy baho berilgan, bolsheviklar strategiyasining kamchiliklari aniqlangan. Ilmiy muomalaga yangi tarixiy faktlar majmuasi kiritilib, avvalgi ishlar baholandi, Qoraqalpog'iston agrar munosabatlari tarixiga yangicha qarash belgilandi.

4. Biz o'rganayotgan davrni tarixiy va retrospektiv tahlil qilish, uni hozirgi davr bilan taqqoslash tormozlanish mexanizmini aniq tushunishga, totalitarizm yillarida yuzaga kelgan chuqur deformatsiyalarning sabablarini aniqlashga imkon berdi. Qishloq aholisining ijtimoiy hayotini o'rganish qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishidagi muammolarni bartaraf etish yo'llarini faol izlash, keng dehqon ommasining ulkan bunyodkorlik salohiyatidan maqbul foydalanish bilan bog'liq. Ittifoq markazining kamsituvchi iqtisodiy siyosatidan O'zbekiston va Qoraqalpog'iston boshqa respublikalarga qaraganda ko'proq jabr ko'rdi. Qoraqalpog'iston jiddiy sanoat salohiyatiga ega emas edi, shuning uchun bu yerda qishloq xo'jaligi va uning mahsulotlarini qayta ishlash sanoati jadal rivojlandi, bu esa aholining, ayniqsa, qishloq aholisining ijtimoiy ahvoriga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

5. Sovet hukumati tomonidan Qoraqalpog'istonda, xususan, agrar munosabatlar sohasi bo'yicha o'tkazilayotgan tadbirlar jamiyatda sinfiy qarama-

qarshilik va antagonizmga asoslangan mafkuraviy qarashlarning rivojlanishning iqtisodiy qonuniyatlaridan ustun bo'lishiga qaratilgan edi. Ular zo'ravonlik va mulkni tortib olish, fuqarolik huquqlarini mensimaslik va mulkdorlar sinfini yo'q qilishga asoslangan edi.

6. Sovet davri «merosi» aniq ko'rinishga ega emas. Bu, birinchi navbatda, ijobiy va salbiy ijtimoiy muammolarni hal qilish bo'yicha amaliy tajriba bo'lib, unga to'g'ri yondashuv sezilarli darajada «o'tmishdagi xatolar» takrorlanmasligini kafolatlaydi. Ijtimoiy hayotdagi ko'plab islohotlar burilish nuqtasi bo'ldi. Umuman, mintaqaning butun tarixiy taraqqiyot jarayoni Qoraqalpog'iston xalqlari ijtimoiy hayotidagi muayyan bosqichlarni ochib beradigan bir nechta og'riqli nuqtalarda jamlangan.

7. Mamlakat taqdirini u yoki bu darajada belgilab bergan burilish nuqtalarini ajratib ko'rsatish mumkin: 1952-yil – respublikaning urushdan keyin o'zini tiklash harakatlari, Bosh turkman kanali qurilishi bilan bog'liq umidlar va optimizm; 1956-yil - demokratlashtirish asosida ijtimoiy yangilanish jarayonining boshlanishi; 1965-yil – iqtisodiy islohotlar va yangi iqtisodiy mexanizm yaratishga urinishlar; 1982-yil – Oziq-ovqat dasturi ishlab chiqilishi; 1985-yil – «qayta qurish» ijtimoiy dasturlari.

8. 1950-1985-yillardagi bu islohotlar o'zining ahamiyati, amalga oshirish usullari va shakllari, rivojlanish xususiyatlari bo'yicha bir xil emas. Ularning hech biri jamiyatning ijtimoiy siyosatini amalga oshirishning tayyor, universal va yakuniy modelini taklif qilmadi. Bu obyektiv haqiqatdir. Mustaqillik yillariga kelibgina Qoraqalpog'istonda aholi turmush sharoitini yaxshilash, tub iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish borasida qator ijobiy natijalarga erishildi.

1917-1991-yillarda Qoraqalpog'iston qishloq aholisini ijtimoiy rivojlantirish tajribasini o'rganish natijalari asosida quyidagi **taklif** va **tavsiyalar** ilgari surildi:

1. “Qoraqalpog'iston agrar respublikadan industrial-agrar respublikagacha” mavzusida ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish.

2. Tarixiy tajribadan kelib chiqib, Qoraqalpog'iston Respublikasi ovul va qishloqlarining ijtimoiy infratuzilmasini rivojlantirishga qaratilgan aniq manzilli dasturlar ishlab chiqish.

3. Orol fojiasini hisobga olib, tarixiy tajribalar asosida Qoraqalpog'istonda chorvachilik va dehqonchilik mahsulotlarini chuqur qayta ishlash bo'yicha kichik korxonalar tashkil etish hamda kichik biznes subyektlariga qo'shimcha imtiyozlar berish.

4. Globalizatsiya va integratsiya, bozor iqtisodiga o'tish davrida, tarixiy jarayonlarga e'tiboran Qoraqalpog'istonga xorijiy investitsiyalarni jalb qilgan holda asosan, mahalliy xomashyo asosida faoliyat yurituvchi yangi qo'shma korxonalar tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/06.04.2024.Tar.20.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДУКАРИМОВ АБДИХАЛИК АМУРОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ СЁЛ
КАРАКАЛПАКСТАНА В 1917-1991 ГОДАХ**

07.00.01 – История Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

Нукус – 2024

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии № В2021.1.PhD/Tar839

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте имени Ажинияза

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и Информационно-образовательного портала «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Кошанов Бахытбай Абдикеримович
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты: Давлетов Санжарбек Ражабович
доктор исторических наук, профессор
Утемуратов Бахрам Бекмуратович
кандидат исторических наук, доцент

Ведущая организация: Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий

Защита диссертации состоится « 1 » VIII 2024 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/06.04.2024.Tar.20.05 при Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 230100, г. Нукус, улица Ч. Абдилова, №1. Исторический факультет Каракалпакского государственного университета. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: e-mail: karsu.info@edu.uz)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрировано за № 86) (Адрес: 230100, г. Нукус, улица Ч. Абдилова, №1. Исторический факультет Каракалпакского государственного университета. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49)

Автореферат диссертации разослан « 18 » VII 2024 года.
(Протокол реестра за № 6 от « 18 » VII 2024 года).


М.А. Карлибаев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор исторических наук, старший
научный сотрудник


Х.М. Отегенов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по
историческим наукам, доцент

А.М. Джумашев
заместитель председателя научного
семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор исторических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях глобализации, усиливающих социально-политические и экономические взаимосвязи, стремление каждого государства к активному участию в региональных и международных процессах становится все более заметным. Изменения, происходящие в различных уголках мира, оказывают влияние не только на социально-политические процессы в регионах, но и на сами государства, что способствует углублению интеграционных процессов в области экономического развития, сотрудничества и политических реформ. Реформы в социально-политической и экономической сферах, а также обновления и изменения в культурной и просветительской жизни, обусловленные переходом стран на уникальный и современный путь развития в XXI веке, свидетельствуют о доказанной эффективности национальной модели в контексте международного сообщества

В мировом масштабе проводятся исследования, направленные на объяснение тормозящих механизмов, возникших в период тоталитаризма, выявление причин глубокого кризиса, моделирование экономических реформ, основанных на научных достижениях и аспектах социальной жизни, а также проведению работы по восстановлению депрессивных экономических систем. Ретроспективный анализ прошлого, объективная история народа, а также восстановление родного края и государственной территории, играют важную роль в реализации национальной идентичности и процессе возрождения и роста национальной гордости.

В годы независимости осуществляются масштабные реформы, направленные на социально-экономическое развитие регионов, дальнейшее улучшение благосостояния населения, обеспечение безопасного и свободного функционирования каждого гражданина, а также осуществление его чаяний и надежд. В частности, особое значение имеет возрождение национальных ценностей и их дальнейшее развитие, усиление внимания к историко-культурному наследию. Действительно, “необходимо изучать древнюю и богатую историю нашей Родины, усиливать научные исследования в этом направлении, всячески поддерживать деятельность ученых в гуманитарной сфере. Оценка, данная прошлому, безусловно, должна быть объективной и, самое главное, свободной от различных идеологических взглядов”¹. Вместе с тем, выявление социально-экономических изменений, произошедших в селах Каракалпакстана в советские годы, их влияния на жизнь населения, является одной из актуальных задач.

Данная исследовательская работа в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // Народное слово. – Ташкент, 29 декабря 2018 года.

на 2022-2026 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 30 июня 2017 года № ПП-3105 «Об организации деятельности общественного совета по новейшей истории Узбекистана при Академии наук Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 10 октября 2017 года № ПП-3318 «Об организационных мерах по дальнейшему развитию деятельности фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 30 июля 2020 года № ПП-4795 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы аграрного образования», а также в других нормативных правовых документах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.

Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информатизированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Подвергнутая анализу литература по социально-экономической жизни сел Каракалпакстана в период с 1917 по 1991 годы, основываясь на теоретической и концептуальной сущности, разделена на три группы. Первая группа - исследовательские работы, описывающие преимущественно аграрные вопросы, вторая группа - результаты научных исследований, отражающих экономические аспекты, в третью группу включены научные работы, опубликованные зарубежными авторами.

Проведенный исторический анализ свидетельствует о неоднородности существующей литературы, позволяющей глубоко осветить проблемы разных периодов и процесс реструктуризации сельского хозяйства. Актуальные проблемы формирования социально-политического климата в аграрной среде, демографическая ситуация, природно-географические особенности сельского хозяйства при сравнительно-историческом анализе дают возможность выделить ряд тенденций и факторов, обеспечивающих их практическую значимость в современном историческом процессе.

Исследования и публикации, проводившиеся в советский период отражают сложившиеся в этот период взгляды на сложное и противоречивое явление, как коллективизации сельского хозяйства². Хотя они не могут дать

